

*Pўйхат рақами* 3/5

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”  
Бошқарувининг 2015 йил «17» январ даги  
1-соили қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг  
мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун  
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да ташкил  
этилган “Ишонч телефони” тўғрисида  
НИЗОМ**

(Янги таҳрири)

2015 йил «1» февраль дан эътиборан кучга киради

Тошкент ш.  
2015 йил

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг  
мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун  
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да ташкил  
этилган “Ишонч телефони” тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

**II. “Ишонч телефони” орқали мурожаатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби**

**III. “Ишонч телефони” орқали тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**

**IV. Ижро этилишини назорат қилиш**

**V. Ижро этилган мурожаатларни саклаш**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк фаолиятига оид масалалар юзасидан АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Марказий идораси телефон алоқасининг маҳсус линияси (кейинги ўринларда – “Ишонч телефони”) орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш, кўриб чиқиш, жавоб бериш ва саклаш тартибини белгилайди.

2. “Ишонч телефони” жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш мақсадида ташкил этилади.

3. «Ишонч телефони» орқали мурожаатлар душанба кунидан жума кунигача (жума куни ҳам) (байрам кунларидан ташкари) соат 09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача банкнинг масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

4. Мурожаатлар “Ишонч телефони”га тушган кундан бошлаб ижрочи департамент ва бошқармалар томонидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, кўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, мурожаатни<sup>кўриб</sup> чиқиш муддати ижрочи департамент ва бошқармаларнинг билдиришномаси асосида Бошқарув раиси ўринбосарлари томонидан истисно тариқасида узоги билан 10 (үн) кунга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда мурожаат қилган шахсга маълум қилиниши шарт.

5. Мурожаат қилувчи шахс тўғрисида мурожаат мавзусига тегишли бўлмаган маълумотларни суриштириб билишга йўл кўйилмайди.

6. “Ишонч телефони”га бириткирилган масъул ходим ўз ўрнида бўлмагандан (мехнат таътили, касаллик варажаси даври ва бошқа ҳолатларда) унинг вазифалари буйруқ асосида бошқа ходимга юклатилади.

**II. “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ОРҚАЛИ МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

7. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да ташкил этилган “Ишонч телефони”га қилинган мурожаатлар (+ 998 71) 150-10-01 раками орқали қабул қилинади.

8. “Ишонч телефони”нинг рақамлари оммавий ахборот воситалари, банкнинг интернет сайти, банкнинг барча филиалларида ташкил этилган махсус “тадбиркорлик бурчаклари” ҳамда “тадбиркорлик хоналари”даги ишонч телефонлари рўйхатига киритиш орқали жисмоний ва юридик шахсларга етказилади.

9. “Ишонч телефони”га тушаётган мурожаатларни қабул қилиш масъул этиб тайинланган малакали ходимларга бириктирилади. Ташкил этилган махсус телефонлардан мурожаатларни қабул қилиш учун масъул бўлган ходимлардан ташқари бошқа ходимларнинг фойдаланишига йўл қўйилмайди.

10. “Ишонч телефони” орқали тушаётган мурожаатларни тўплаш ва умумлаштириш учун телефондаги сўзлашувларни ёзиш функцияси билан жиҳозланган телефон аппаратларидан фойдаланилади.

11. “Ишонч телефони” орқали мурожаат қилишда мурожаат қилувчи ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек у юридик шахс (тадбиркорлик субъекти) бўлса жавоб юборилиши керак бўлган почта манзили, қайта боғланиши учун телефон рақамини маълум қилиши ҳамда мурожаатнинг моҳияти ва мазмунини баён қилиши шарт.

12. Ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ахборот ва маълумотлар тақдим этилмаган ёки уларни тақдим этилмаслиги сабаби асоссиз бўлган тақдирда мурожаатлар рўйхатдан ўтказилмайди ва кўриб чиқилмайди.

Мурожаат кўриб чиқилаётган даврда айнан шу масала юзасидан тақорий равиша мурожаат тушганда, мазкур мурожаат рўйхатдан ўтказилмайди.

### **III. “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ОРҚАЛИ ТУШГАН МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

13. «Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” Конунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

14. «Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар масъул ходим томонидан ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича шакллантирилади ва кўриб чиқиш учун банк раҳбариятига киритилади.

15. Мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси зиммасига юклangan масъул ходимларининг ноқонуний ҳатти-харакатлари юзасидан мурожаатлар тушган тақдирда ушбу мурожаатларни мазкур шахсларнинг ўзлари томонидан бевосита кўриб чиқилиши тақиқланади.

16. Кўриб чиқилиши банк ва банкнинг масъул ходимлари ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича «Ишонч телефони» орқали мурожаатлар тушган тақдирда, банк масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда тушунтириш берилади ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш тавсия қилинади.

### **IV. ИЖРО ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

17. “Ишонч телефони”га қабул қилинган мурожаат бўйича Бошқарув раисининг ёрдамчиси ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шакл бўйича «назорат карточкаси»ни тўлдиради, Бошқарув раисининг кўрсатмаларига биноан масъул ходимларга йўналтиради, ижросини ташкил қиласи ва назоратга олади.

18. Мурожаат йўналтирилган раҳбар ёки масъул ходим томонидан қонун хужжатлари талаблари бузилиши аниқланган ҳолларда тегишли филиалларга аниқланган қонун бузилишларини, уларнинг сабабларини ва қонун бузилишига олиб келаётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида уларда кўрсатилган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юборилади.

## V. ИЖРО ЭТИЛГАН МУРОЖААТЛАРНИ САҚЛАШ

19. “Ишонч телефони”га келиб тушган ижроси таъминланган мурожаатлар АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да электрон архив ишларини юритиш тўғрисидаги йўриқнома талаблари асосида архивланади ва сақланади.

20. Ушбу Низом амалга киритилиши билан АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқарувининг 2012 йил 11 августдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқароларнинг ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да ташкил этилган “Ишонч телефони” тўғрисида Низом” (рўйхат рақами 176) ўз кучини йўқотади.

Юридик бошқарма  
бошлиғи

Э. Атабаев

Ички меъёрий хужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт гурухи:

Ф. Абдурахманов

Ф. Фафуров

Ф. Юлдашев

А. Шадиев

Б. Бобоҷонов

А. Ташқулов

К. Турдиев

Х. Курбонов

А. Аҳмаджонов

Ф. Джаббаров

Б. Жаббаров

О. Султаналиев

А. Муминов

**«Ишонч телефони»  
орқали қабул қилинган мурожаатларни рўйхатга олиш  
китоби**

| Т/р | Мурожаат санаси | Мурожаат қилувчининг Ф.И.О.И | Манзили ва телефон рақами | Қайси масала бўйича мурожаат қилинди | Кимга йўналтирилди |
|-----|-----------------|------------------------------|---------------------------|--------------------------------------|--------------------|
| 1   | 2               | 3                            | 4                         | 5                                    | 6                  |
|     |                 |                              |                           |                                      |                    |

**«Ишонч телефони»  
орқали қабул қилинган мурожаатларни рўйхатга олиш  
китобини юритиш тартиби**

1. «Ишонч телефони» орқали мурожаатларни рўйхатга олиш китоби ип ўтказиб тикилган, рақамланган, муҳрланган ва имзоланган бўлиши керак.
2. Китобнинг тегишли бўлимларини тўлдиришда қисқартириб ёзишга йўл қўйилмайди.
3. Китобнинг биринчи устунига келиб тушган мурожаатнинг тартиб рақами ёзилади.
4. Китобнинг иккинчи устунига мурожаат қабул қилинган сана тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
5. Китобнинг учинчи устунига мурожаат қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми киритилади.
6. Китобнинг тўртинчи устунига манзили ва телефон рақами тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
7. Китобнинг бешинчи устунида мурожаатнинг қисқача мазмуни киритилади.
8. Китобнинг олтинчи устунида қабул қилинган мурожаат бажариш учун кимга йўналтирилганлиги кўрсатилади.

## **“Ишонч телефони” тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА**

## **НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

|   |   |                            |
|---|---|----------------------------|
| «Ишонч телефони» орёали қабул қилинган мурожаатларнинг назорат карточкиси   |   |                            |
| Бажарувчи:<br><br>Сана 20 ____ й. _____ № _____<br><br>_____ муддати<br><br>Бошкарма (бўлим) бошлиғи<br><br>_____ | Мурожаатни сабул ёилган шахснинг Ф.И.О. | Мурожаат келиб тушган сана |
|   | Аризачининг Ф.И.О.                      | Иш жойи                    |
|   | Аризачининг манзили ва телефони         |                            |
| Сиссача мазмуни   |   |                            |
| Саерга юборилди   |   |                            |
| Бажарилиши тўғрисидаги ахборот  |   |                            |
| Назоратдан чиқариш санаси<br>20 ____ йил « ____ » _____   |   |                            |
| Бошкарма (бўлим) бошлиғи<br><br>_____   |   |                            |

100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтахур тумани, Навоий кӯчаси, 18А-уй, тел/факс: +998(371) 150-76-73, yurist@qqb.uz

«15» январ 2015 йил

### ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик бошқарма томонидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун АТБ “Қишлоқ курилиш банк” да ташкил этилган “Ишонч телефони” тўғрисида Низом лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, АТБ “Қишлоқ курилиш банк”нинг устави асосида қабул қилинган бўлиб, у АТБ “Қишлоқ курилиш банк” тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк фаолиятига оид масалалари юзасидан Бош банк телефон алоқасининг маҳсус линияси “Ишонч телефони” орқали мурожаатларини қабул қилиш, расмийлаштириш, кўриб чиқиш, жавоб бериш ва сақлаш тартибини белгилайди.

Ушбу меъёрий ҳужжат лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан рўйхатга олинган «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом ҳамда “АТБ “Қишлоқ курилиш банк” Ички меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом лойиҳасини тасдиқлаш “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга мувофиқ банк Бошқаруви ваколатига киради.

Юридик бошқарма  
бошлиғи

Э.Атабаев

# Aksiyadorlik tijorat banki

## Qishloq Qurilish Bank

BOSHQARUV QARORIDAN KO'CHIRMA

2015 yil 17 yanvar №1.

Toshkent sh.

### 6. ATB "Кишилк курилиш банк" тизимида 2014 йил давомидаги жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатларини кўриб чикиш ахволи тўғрисида

Э.Атабасев, Боншарув авзозари, Б.Муллахонов

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Боншарувининг 2014 йил 8 апреддаги 9/1-сонли карори хамда Марказий банка 2014 йил 15 декабря ўтказилган 5-сонли, 29 декабря ўтказилган 38-сонли, 2015 йил 5 январда ўтказилган 5-сонли мажлис байнлари тижорат банклари разҳбарлари эмасига хар ҷоракла банк Боншарув мажлислиарда фуқароларни ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чикиш ахволини Марказий банк карорларида белгилан вазифалари юқудатилган.

2014 йил 3 декабря Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари тўғрисида"ги Конуну кабул килинганини муносабати билан Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 24 декабря 09-18-ОПП-24-сонли топшириги билан жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари билан ишшаш мазкур конун билан амалга оширилиши, мурожаатлар билан ишшашни тизимили ташкил этиш, улар бўйича кенг камровли маълумотлар банкини шакллантириши, пухта ва тўлик ташкиллар ўтказилиш масадаси Вазирлар Махкамаси Йжро этувчи аппаратида ишлаб чиқилинган янги жаҳваллар асосида белgilangan муддатгарда маълумотлар берилган.

Банк тизимида ушбу Конун ижроси хамда Марказий банкнинг юкорида кайд этилган топшириклари ижроси юзасдан 2014 йилнинг 12 ойи давомида банка жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган таклифлар, ариза ва шикоитлар таххили этилди.

Шу дарв мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Махкамаси, Марказий банки орқали хамда тўғридан-тўғри тадбиркорлар ва фуқаролардан 309 ta ёзма (шуудан, ягона интарактив давлат хизматлари портали орқали 63 ta), 70 ta оғзаки ва илонч телефони орқали 47 ta мурожаатлар келиб тушган.

Мажкур мурожаатлар давлат боншарув органдари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки топшириклари асосида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари тўғрисида"ги Конуну хамда "ATB "Кишилк курилиш банк" тизимида фуқароларни кўриб чикиш тартиби" талабларига мувофиқ равишда тегишида таркибий тузилмалар ва филиалларнинг маъсул ходимлари билан биргаликда ўз вактида кўриб чикилиб, амалдаги конунчилликка мувофиқ хал этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўтказилган 2014 йил 15 декабрядаги 36-сонли, 29 декабряни 38-сонли, 2015 йил 5 январдаги 5-сонли мажлис байнлари мухокамаси бўйича филиаллар маъсул ходимларига тегиши вазифалар хамда топшириклар юқудатилган, Марказий банк карорлари ижросини тъмминлаш юзасидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида муйайн ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг филиалларга килинган мурожаатлари тегишида тартибда хал этилмаганлиги оқибатида улар томонидан давлат боншарув идораларига мурожаат этилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари тўғрисида"ги Конуну талабларининг сўзсиз бажарилшини таъминлаш, йул кўйилган камчиликларни ўз вактида бартарга этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш, фуқароларни кабул килиш, уларнинг ёзма, отзаки ва Ягона интарактив давлат хизматлари портали орқали килган мурожаатлари билан иштап тизимини янада такомилаштириш, фуқаролар мурожаатларини хал этиши сифратини опириш, ушбу соҳа бўйича масуль холимларниң конун талабларига катъий риоя этиши юзасидан доимий назорат ўрнагиши мансадида.

### БОШҚАРУВ КАРОР КИЛАДИ:

1. ATB "Кишилк курилиш банк" Юридик болпикарма бошлиги Э.Атабаевнинг Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 24 декабряни 09-18-ОПП-24-сонли топширини, Марказий банкда фуқаролар мурожаатлари ахволига доир 2014 йил 15 декабряда ўтказилган 36-сонли, 29 декабря ўтказилган 38-сонни, 2015 йил 5 январдага ўтказилган 5-сонли мажлис байни ижроси хамда банк тизимида жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатларини кўриб чикиши борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборорлари маълумот учун кабул килинсин.

2. ATB "Кишилк курилиш банк" тизимида фуқароларни кабул килиши ва ёзма хамда оғзаки мурожаатларни кўриб чикиши амалда кабул килинсин. Талабларига сўзсиз риоя килинини тъминлаш тўғрисидаги банк Боншарув раисининг 2014 йил 31 ноябрда 2748-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Боншарувининг 2014 йил 18 октябрдаги 36/6-сонли карори, Марказий банкда фуқаролар мурожаатлари ахволига доир 2014 йил 15 декабряда ўтказилган 36-сонли, 29 декабря ўтказилган 38-сонни, 2015 йил 5 январдага ўтказилган 5-сонли мажлис байни ижроси бўйича доимий равишда иш олиб борилаётганини майлумот учун кабул килинсин.

3. Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 24 декабряни 09-18-ОПП-24-сонли топширигига кўра банк тизимида жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатларини кўриб чикиш 2014 йил 3 декабряда кабул килинган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари тўғрисида"ги Конуну талабларига риоя килган холда амалга оширилиши, мурожаатлар билан иштап тизимили ташкил этиши, улар бўйича кенг камровли маълумотлар бинкини шакллантириши, пухта ва тўлик ташлилар ўтказиш масадаси Вазирлар Махкамаси Ижро этувчи жаҳваллар асосида белgilangan муддатларни майлумот учун кабул килинсан.

4. Банк Боншарув раиси ва ўринбосарларининг 2015 йил I ярами топширигидаги худудларда сайёр кабуллар ўтказиш жадвали 1-илювага мувофиқ тасдиқлансин. Шунингдек, фуқароларни кабул килишида барча филиаллар боншарувчилари мувофиқ хал этилган.

ASLIGA TO'G'RI!  
+ ASLIGA TO'G'RI!

газеталарила банкнинг филиаллари бўйича хар ойда “Очиқ эшиклар” кунини жорий килиш максадида жорий йилнинг 1 февралига кадар режажадвал ишлаб чиқиб газетада чоп этилиши вазифаси топширилсин.

5. Келиб тушган мурожаатларни Ташкент шаҳар (55 та, шундан 8 таси мингтакавий филиал фаoliyati доир), Сурхондарё(49 та), Тошкент вилояти (в.в.б. У.Рашидов), Наманган(О.Мадрахимова), Жizzax (У.Юнусов), Навоий (Х.Амонов) ва Коракалпогистон Республикаси (К.Хожанов) минтақавий филиаллари бошкарувчилари, мурожаатларга ўз вактида малакали жавоб, тегишли тушунтиришлар берилмаётланлиги ва бунинг оқибатида ёзма ва оғзаки мурожаатларни тақорири мурожаатларнинг сони ортиб бораётланлиги сабабли, ходимларнинг билим ва маклакасини ошириш бўйича аник чора-тадбирлар белгиласин.

6. “АТБ” “Кишлек куриши банк” тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб тартиби тўғрисида” Низом (яни таҳаррр) 2-илювага, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек кичик бизнес на хусусий тадбиркорлик мурожаатларини кабул килиши ва кўриб чиқиши учун АТБ “Кишлек куриши банк” да ташкил этилган “Илонч телефони” тўғрисида” Низом 3-илювага кўра тасдиқлансан ва 2015 йилнинг 1 февралдан зўтиборан кучга киритилсин.

7. Юридик бошкарма (Э.Атабаев) ва барча филиаллар бошкарувчиларига жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конуни хамда АТБ “Кишлек куриши банк” тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши тартиби тўғрисида” Низом тадбирларини оғишмай бажарылишини кўриб мурожаатларни Конунида белгилангай муддатлардан кечиктирмасдан хар томондан ва холисона кўриб чиқиб этси, финалларда фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлани юзасидан талабчаникни янада ошириш, филиаллар раҳбарлари томонидан фуқароларни шахсан кабул килиши масаласига жидий эътибор каратеги кўрсатиб ўтилсин.

8. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлани (А.Тошибоев) “Илонч телефони”нинг узлусиз ва самарали ишлаб туришини тавминласин. Ягона интарактив давлат хизматлари портали орқали тадбиркорлик субъектлари хамда фуқаролардан юборинаётган мурожаатларда кўтарилган конуний ва асосли талабларнинг киска муддатга ижро этилиши хамда амалдаги конучиллик ва мөъбёрий мурожаатларга мувофиқ тўлиқ асослантирилган, мукаммал жавоб берилшиши устидан доимий назорат ўрнатсан.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидаги хисоботларини тегишли идораларга Вазирлар Махкамаси томонидан таским этилган жадваллар асосида бериб борилишини тавминласин.

9. Юридик бошкарма (Э.Атабаев) ва Методология бўлими (О.Султоналиев)лар Ўзбекистон Республикасининг “АТБ” “Кишлек куриши шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конуни, “АТБ” “Кишлек куриши банк” тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг кўриб чиқиши тартиби тўғрисида” Низом (яни таҳrir) ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кабул килиши ва кўриб чиқиши учун АТБ “Кишлек куриши банк” да ташкил этилган “Илонч телефони” тўғрисида” Низомларни банкнинг барча

филиалларига етказилишини таъминласин хамда ушбу мөъбёрий хужжатлар бўйича ўқувлар ташкил этилиши устидан назорат ўрнатсан.

10. Банкнинг Сурхондарё (И.Назаров), Тошкент вилояти (в.в.б. У.Рашидов), Наманган (О.Мадрахимова), Жizzax (У.Юнусов), Навоий (Х.Амонов) ва Коракалпогистон Республикаси (К.Хожанов) минтақавий филиаллари бошкарувчилари, мурожаатларга ўз вактида малакали жавоб, тегишли тушунтиришлар берилмаётланлиги ва бунинг оқибатида ёзма ва оғзаки мурожаатларни тақорири мурожаатларнинг сони ортиб бораётланлиги сабабли, ходимларнинг билим ва маклакасини ошириш бўйича аник чора-тадбирлар белгиласин.

11. Банкнинг барча филиаллари бошкарувчилари зиммасига:

- филиаллар барча ходимлари ўргасида янги кабул килинган ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунини ўрганиши бўйича ўқишилар ташкил этиши ва натижалари бўйича хар бирор ходимни синовлан ўтказишни ташкил этиши;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ти Конуни талабларининг оғишмай бажарилишини тавминлаш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича иш юритинни тизимида ташкил этиши;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг банк соҳасига доир ёзма ва оғзаки мурожаатларни хар бирини, айниска китик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ўз вактида конун тақаборига мувофиқ оғилмай кўриб чиқилишини тавминлаш;
- жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ўз вактида бартараф этиши, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлап тизимини янада тақомиллаштириш максадида мурожаатлар кўйтайтан маҳалла фуқаролар йитинларни ва кишлек фуқаролар йигиннарида мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиби бориш, мазкур учрашувларда фуқаролар томонидан кўтарилиган барча масалаларни жойда амалдаги конунчиликка мувофиқ ижобий хал этиши чораларни кўриб бориш; Ушбу соҳа бўйича амалга оширилан ишлар юзасидан хар ой якуни бўйича банк Бошкарувига маълумот киритиб бориш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқишада сансарорлик ва расмиятиликка ўйл кўйтан, уларнинг ўз вактила ва конуний кўриб чиқилишини тавминламаган хамда хизмат вазифасига масульятыс ёндошайтган ходимларга нисбатан катъий чоралар кўйлаф бориш;
- келиб тушаётган мурожаатларни дархол хал килиш ва улар рўйхатини юритиш ва банк ходимларининг амалдаги конунларга катъий риоя килиши устидан назорат ўрнатсан юқлатилисин.

12. Ушбу карор ижроси устидан назорат Боншарув раиси ўринбосари А.Муратов зиммасига юқлатилисин.

Боншарув хотиби А.Абдулаев

